

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

КАСБЛАРНИНГ АЪЛОСИ

Чиноз туманидаги 2-умумтаълим мактабининг нафақат туман, балки вилоят, ҳатто республикада ҳам алоҳида ўрни, нуфузи бор. Бу бежиз эмас. Чунки, мактабининг изланувчан ўқитувчилари турли фанлардан дарс қўлланмалари яратиб, миллий таълим тизими ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Уларнинг таълимида яхши самара бераётган янги педагогик технологиялар асосидаги дарс қўлланмалари туман ва вилоят миқёсида оммалаштирилмоқда. Билимли, зукко ва иштиёқчан ўқувчилар ҳам устозлари каби республика миқёсидаги танлов, спорт мусобақаси ва фан олимпиадаларида муваффақиятларга эришяпти.

Чунончи, 2002-2003 ўқув йилида мактабининг "Қонун" жамоаси "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг республика босқичида мутлақ ғолиб бўлди. Мазкур танловнинг 2007 йил босқичида туманда биринчи, вилоятда фахрли учинчи ўринни эгаллади. Шу йили "Сиз тарихни биласизми?" кўрик-танловида ҳам туманда биринчи, вилоятда эса иккинчи ўрин қўлга киритилди. Шу йили бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" мусобақасида спортнинг волейбол ва баскетбол турлари бўйича туманда биринчи ва вилоятда иккинчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, 2007-2009 йилларда рус тили фани бўйича ўтказилган "Мир русского слова" халқаро кўрик-танловида мактабининг иккитдорли ўқувчиси Алина Ярулова ғолибликни қўлга киритди.



2004-2005 ўқув йилида мактаб жамоаси "Йилнинг энг яхши мактаби" кўрик-танлови республика босқичининг "Энг ташаббускор мактаб" номинацияси ғолиби бўлди...

Мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларининг муваффақиятлари рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин. "Мактабининг бу каби ютуқларга эришишининг сирини мадада?" деган саволга кўпчилик мактабни 17 йилдан буён бошқариб кела-

ётган Фариди Иброҳимовани кўрсатиб: "Сирининг тилсими мана шу директор опамиз" дейишди. Дарҳақиқат, ўқувчилик даврида устозлари сингари ўқитувчи бўлишни мақсад қилган Ф. Иброҳимов бу ўта масъула ва катта саволга тинимсиз ўқиди. Билимларини сўрайвериш устозлари ва яқинларини холи-жонига қўймаган Фариди Чиноздаги 2-мак-

табни аъло баҳолар билан тамомлаб, Сирдарё давлат педагогика институтига ўқишга кирди. 1973 йили рус тили ва адабиёти йўналишида пухта билим эгаллаган ёш муаллима ўзи ўқиган мактабда фаолият бошлади ва касбига садоқати, муҳаббати ҳамда тинимсиз изланишлари билан жамоада ҳурмат қозонди.

Ҳам раҳбар, ҳам ўқитувчи сифатида ҳамкасблари

ва шогирдларига ўрнатилган бўлиб келаётган Ф. Иброҳимовнинг меҳнатлари рағбатсиз қолмади, албатта. Жонқуяр муаллима 1994 йили "Халқ таълими аълочиси", 2005 йил "Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган халқ таълими ходими" фахрий унвонлари, давлатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олдидан "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланди.

Эртанги кунимиз қандай

бўлиши ҳар жихатдан ёшларимизнинг бугун қандай таълим-тарбия олишига боғлиқ. Бунини яхши англаган Ф. Иброҳимов ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялашдек эзгу мақсадларни қалбига жо қилиб, бор билим ва ғайратини ишга солаётган устозлардан.

Авазбек ХУДОЙКУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.
Даврон АХМАД
олган сурат.

Бу дунёда касб-хунар бисёр. Уларсиз ҳаётимизда мазмун бўлмайди. Зеро, одамзот аввало онгу шуури, меҳнати, касб-хунари билан бошқа мавжудотлардан фарқ қилади. Бу фазилатлар энг аввал оилада, қолаверса, таълим-тарбия масканларида барг ёзиб, гул очади. Албатта, гулу гулзор, боғу бўстон яратиш осон эмас. Унинг замирида улкан масъулият, заҳматли меҳнат, фидойилик ётади. Ёш авлоднинг гулу ниҳолга қийсасак, улар ўқитувчи, устоз, мураббийлар меҳнати билан гурқираб, кўкка бўй чўзади. Аллома шоир Шайх Саъдий устозу мураббийлар ҳақида шундай дейди: "Отанг сенга ҳаёт бағишлаб, осмондан ерга олиб тушган бўлса, устозинг билим бериб, сени осмонларга кўтарди..."

Доноларимиз яна шундай лутф қиладилар: "Ўқитувчи бамисли шам кабудур, ўзи ёниб, ўзгалар йўлини ёритур".

ЙЎЛЛАРИМИЗ ЧАРОҒБОНИ

Ҳаётда бундай шарафга муносиб устозлар, ўқитувчи мураббийлар кўп. Улар ўқувчилари юзига яхшилик уруғини қадаб, эзгулик меvasини мўл-кўл етиштиришди. Зеро, ўқитувчининг нафақат дарси, балки юриш-туриши, қиёфаси, қўйини, ҳар бир қадами ўқувчилари назарида бўлади. Айна шу жихат бу касбнинг улуглигини белгилайди...

Ёш 60 лардан ошиб қолган оққўрғонлик ҳамда ака устози Муборак опани йўқлашни ҳеч унутмасди.

Мени она тилимда бўлбўлдек сайратган, адабиёт гулшанига бошлаб кирган устозим Муборак опамни ҳеч унутолмайман, дейди у. Озода, ораста кийиниши-ю, синфхона-миздан мактаб ҳовлисида са-ранжом-саришта тутиши, эрта кўламдан то кеч кузгача яшнаб турган гулзорлар ҳамон кўз олдимида...

Ҳақиқатан ҳам бола-жонлар гўдаклигидан боғчасига, кейинчалик мактабига ошиқиб борар экан, беихтиёр қувониб кетасиз, демак меҳридарё, бағрикенг устоз-мураббийларнинг ширин сўзлари, қалб ҳарорати уларни оҳанрабодек ўзига тортиб туради. Бу ҳусусият ўқувчиларини ўз фанига қизиқтиролган моҳир ўқитувчиларга хос.

(Давоми 2-бетда).

ЖАМИЯТ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ТАЪЛИМ

"Ёш авлоднинг буюк анъаналаримизга, юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик ва порлоқ келажак эгалари эканликларига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш мақсадида 1997 йилдан бошлаб "1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни" деб эълон қилинган ҳамда дам олиш кунини ҳисоблансин", дейилади республика Президентининг "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Фармонида. Зеро, мамлакат тараққиётини таълим тизимининг ҳиссасисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мустақиллик соғлом ва баркамол янги авлоднинг шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар йўлини очиб берди.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигининг йиғирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида таъкидланганидек, замонавий билим ва касб-хунаrlарни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган янги авлоднинг тарбиялаш мақсадида сўнгги 5 йилда 278 та болалар мусика ва санъат мактаби, 523 та спорт иншооти ва 100 дан зиёд сузиш ҳавзаси қурилди ва реконструкция қилинди. Бугунги

кунда 2 миллион ёшлар, жумладан, 840 мингдан зиёд қизларимиз спорт билан мунтазам шугулланишяпти. Ўртбосимиз ташаббуси билан 1997 йилнинг 29 августда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Уша кун қўламини ва мақсадлари бўйича ноёб Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳам қабул қилинди. Бу икки ҳужжат таълим тараққиётининг шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ҳамда маданий эhtiжларини таъминлайдиган устувор соҳаси сифатида қонуна белгилаб қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2015 йил 29 сентябрдаги "Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиклол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида соғлом ва баркамол этиб вояга етказишга қўшган салмоқли ҳиссаси, ёшларга илм-фан асосларини, замонавий касб-хунаrlарни ўргатишдаги жонқуярлиги, таълим-тарбия тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз юксак унвон, орден ва медаллар билан тақдирланишди. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

"Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган халқ таълими ходими"
Саидходжаева Васила Махаммадалимовна – Пискент туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан
Турдиматов Закир Ярақапович – Бекобод техника-иқтисодиёт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

"Меҳнат шухрати" ордени билан
Хамзаева Гулҳумор Эргашбаевна – Янгийўл туманидаги 65-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси

"Дўстлик" ордени билан
Каюмова Назира Раҳматуллаевна – Ўрта Чирчик туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

"Шухрат" медали билан
Бахриева Марҳамат Турғуновна – Юқори Чирчик туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

Муслимова Саида Тилаповна – Бўстонлик туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Разикова Лола Юлдашалиевна – Қуйи Чирчиқ транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Тапилова Матлубахон Назмиддиновна – Ангрен кимё саноати касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Семинар

БЎЛАЖАК ИНВЕСТИРЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ИҚТИСОДИЙ МУҲИТ

Вилоят ҳокимлигида Президентимизнинг "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросига бағишланган амалий семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, вилоят ҳокимлиги ва бошқа ташкилот ҳамда муассасалар ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда соҳа мутахассислари, акциядорлик жамиятлари раҳбарлари, тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар ҳорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очилигини таъминлаш, замонавий корпоратив услубларни жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаруш акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлашди.

Мазкур ҳужжат ижроси

доирасида вилоятда 37 та ночор ва вақтинча ишлаётган акциядорлик жамиятларини тугатиш ҳамда қайта ташкил этиш белгиланган.

Амалий семинарда мазкур Фармонда акциядорлар ва акциядорлик жамиятлари манфаатларини кўзлаб, бир қатор имтиёзлар ҳам берилгани қайд этилди. Хусусан, акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ҳўжалик судига уларнинг ҳўқуқлари ва қонуний ман-

фаатлари бузилгани ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилганда, уларга давлат божини тўлаш муддати узайтирилади ва бу айбдор томонидан ундирилади.

Семинарда акциядорлик жамиятларида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, акциядорлик жамиятларида раҳбарлик лавозимларида чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қилиш бўйича вилоятдаги акциядор-

лик жамиятлари амалга ошириши лозим бўлган ишлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазири Маҳкамасининг "Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти батафсил тушунирилди.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган суратлар.



Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти

ТУРЛИ ИНФЕКЦИЯЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ ТЕСТ-ТИЗИМЛАРИ

Вирусли ва бактериал инфекцияларнинг олдин олиш бугунги кунда дунё миқёсида долзарб муаммолардан биридир. ОИБ инфекцияси, В, С гепатити ва бошқа вирусли инфекциялар инсон саломатлигига жиддий хавф солаётган хасталиклар сирасига кириди. Масалан, айни пайтда дунё бўйича 150 миллионга яқин киши сурункали С гепатитини юктирган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили ушбу касалликка чалиниш билан боғлиқ 4 миллион ҳолат қайд этилмоқда.

Инсон саломатлиги учун хавфли бўлган мазкур инфекциялар асосан қон орқали юқади. Тиббий асбоб-ускуналарнинг яхши стерилизация қилинмаслиги ва текширилмаган дори-дармонлардан фойдаланиш касалликни юктиришининг кенг тарқалган йўлидир. Жумладан, сурункали С гепатити инфекцияси билан касалланган беморларнинг аксариятида жигар циррози ёки

саратони ривожланади.

Мамлакатимизда ушбу долзарб муаммони ҳал этишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Амалиёт шуни кўрсатадики, касалликка ўз вақтида ташхис қўйиш ва зарарланиш манбаларини аниқлаш инфекцияга қарши курашишнинг самарали воситаларидир.

Иммунофермент таҳлили бундай инфекцияларга ташхис

қўйишнинг кенг тарқалган усулидир. Инсон қонидagi антиген ёки антижисмлар сифатини лаборатория шароитида аниқлаш ва миқдорини ўлча-нинг иммунологик усули бўлган ушбу таҳлил ташхис тўплами ёки тест-тизимлар ёрдамида амалга оширилади.

ОИБ инфекцияси, В, С гепатити ва инфекция кўзгатувчи бошқа вирусларни аниқлаш мақсадида мамлакатимиз

аҳолисини иммунофермент тест-тизимлар ёрдамида текширувдан ўтказилмоқда. Чунончи, ҳомиладор аёллар, болалар, тиббиёт ходимлари, лаборатория хизмати мутахассислари ва касалликни юктириш хавфи юқори бўлган гуруҳ вакиллари (қон топирайдиган донорлар, гемодиализ беморлар ва бошқалар) мажбурий ташхисдан

(Давоми 3-бетда).

**Озод ва обод юрт
фарзандларини ҳар
томонлама етук ва
баркамол инсонлар
этиб тарбиялаш
йўлида самарали
меҳнат қилаётган
ўқитувчи ва
мураббийларни
касб байрамлари
билан қизғин қутлайди.**

[illegible]

ТАБРИК

«ТОШКЕНТ ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ» АЖ

юртимиздаги барча устозларни
1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни
билан қизгин қутлайди.

Мустақил Ўзбекистоннинг янги авлодини тарбиялаш, ўқил-қизларимизни
аждодаларимизнинг бой маънавий-маданий меросига, умуминсоний
қадриятларга меҳр-муҳаббат руҳида камол топтиришдек шарафли ва
масъулиятли фаолиятингизда янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.



Спорт

Ҳамюртимиз Марина Хмелевская Германия-
нинг Берлин шаҳрида ўтказилган марафонда
иштирок этиб, 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-
Жанейро шаҳрида бўладиган XXXI ёзги Олим-
пиада ўйинларига йўланма олди.


АТЛЕТИМИЗ ОЛИМПИАДА ЙЎЛЛАНМАСИ СОҲИБИ



Ўзбекистон миллий
Олимпиада қўмитасидан
маълум қилишларича,
42 километр масофага
ўтказилган марафонда
Марина Хмелевская 2
соат 38,39 дақиқада
марра чизигига етиб
келди ва тўрт йиллик
нинг энг йирик спорт
анжуманида қатнашиш
ҳуқуқига сазовор бўл-
ди.

Айни пайтда энгил
атлетикачиларимиздан
тўрт нафари йўлланмага
эга бўлди. Бунгача ма-
рафончи Ситора Хами-
дова, баландликка сак-
раш устаси Светлана
Радзивиш ва босқон улоқ-
тиришда Сухроб Хўжаев
XXXI ёзги Олимпиада
йўлланмасини қўлга ки-
ритишган эди.

Ў.А.



Сураткаш ҳазили

КЕСКИН КУРАШЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XXIV
миллий чемпионати олий лигасининг
йигирма учинчи туридан сўнг Тош-

кентнинг "Пахтакор" жамоаси турнир
жадвалидаги етакчилигини мустаҳкам-
лаб олди.

Амалдаги чемпион мазкур
тур доирасида ўз майдонида
Бекободнинг "Металлург" жа-
моасини 3:2 ҳисобида мағлу-
биятга учратди. Учрашувнинг
22-дақиқасида меҳмонлар
ҳисобни очди. Аюбхон Нўмо-
новнинг зарбасини "Пахтакор"
дарвозабони қайтара олмади.
75-дақиқада бекободликлар-
дан Шохназар Норбеков май-
дон эгалари дарвозасига тўп
киришти. Аммо сўнгги ўн дақи-
қада ҳужумга зўр берган "Пах-
такор" жамоаси яқинда галаба-
ни "илиб кетди". "Металлург"
дарвозасига Баҳодир Пардаев
битта, Игорь Сергеев иккита
(пенальтидан) гол киритди.

Мазкур турдан сўнг "Пахтакор"
околар сонини 60 тага
етказиб олди. Бу энг яқин таъ-

қибчиси "Локомотив" (Тошкент)
жамоасидан 5 очко кўпдир.
Темирйўлчилар "Андижон"
(Андижон) меҳмони бўлиб, ра-
қибларини 2:1 ҳисобида мағ-

лубиятга учратди. "Локомотив"
га галаба келтирган голларга
Темур Кападзе ва Санжар Шо-
ахмедов муаллифлик қилди.
Тошкентнинг "Бунёдкор"



жамоаси Жиззахнинг "Сўғдиё-
на" клуби устидан 2:0 ҳисоби-
да зафар қучди. 35-дақиқада
ҳакам томонидан белгиланган
пенальтини Шакер Зуағи аниқ
амалга ошириб ҳисобни очган
бўлса, 56-дақиқада Элдор Шо-
муродов Жиззахликлар дарво-
засига тўп киритди.

Турнинг голга бой баҳси Қар-
шида бўлди. "Насаф" ва "Нав-
бахор" (Наманган) жамоалари
ўртасидаги учрашув майдон эга-
ларининг 5:1 ҳисобидаги гала-
баси билан якунланди.

Қолган учрашувлар натижа-
лари қуйидагича: "Динамо"
(Самарқанд) – "Нефчи" (Фар-
ғона) 0:1, "Қўқон -1912"
(Қўқон) – "Қизилқум" (Навоий)
1:0, "Олмалик" (Олмалик) –
"Шўртан" (Фузор) 3:1, "Бухоро"
(Бухоро) – "Машъал" (Му-
борақ) 3:1.

Б. АЙТМУРДОВ,
ЎЗА муҳбири.



ДИССЕРТАЦИЯДА КЎЧИРМАЧИЛИК

Германия мудофаа вазири
Урсула фон дер Ляйеннинг док-
торлик диссертацияси акаде-
мик андозлар талабига жавоб
бермаслиги ҳақида хабар тар-
қатди Der Spiegel нашри.

Ушбу нашр VroniPlag Wiki сай-
тидан олган маълумотда келти-
рилишича, вазир илмий ишнинг
40 фоиздан кўпроги бошқа ман-
балардан ўзлаштирилган экан.
Фон дер Ляйеннинг диссертация-
си Германия расмий кишилари-
нинг илмий ишларидаги кўчирма-
чиликни ўрганишга ихтисослаш-
ган VroniPlag Wiki сайтининг эъти-
борини тортди. Текширув 62 са-
ҳифа илмий ишнинг 27 саҳи-
фаси ҳақиқатан ҳам кўчирмачилик
маҳсули эканини кўрсатди. Бер-
линдаги Гумбольдт университети

профессори Герхард Даннеман-
нинг сўзларига қараганда, "дис-
сертациянинг 37 қисмида бегона
матнни келтириш чоғида унинг
муаллифини кўрсатиш мажбурият-
и бажарилмаган, бу эса акаде-
мик андозлар қондасининг бу-
зилишидир".

Мудофаа вазирининг ўзи ушбу
айбловни мутлақо рад этмоқда. У
Ганновер олий тиббиёт мактаби-
га комиссия тузиш ва диссертация-
нинг атрофлича ўрганишни сўраб
мувожаат қилди.

Кейинги йилларда бир қатор
немис сиёсатдонлари ёзган дис-
сертацияларда кўчирмачиликлар
аниқланиб, улар мансабларидан
мосуво бўлдилар. Жумладан,
2013 йилда таълим вазири Аннет
Шаван, 2011 йилда мудофаа ва-
зири Карл Теодор Гуттенберг ҳам
илмий ишлари юзасидан кўчир-
мачиликда айбланган эдилар.

ТАЛАБАЛАРНИНГ АЯНЧЛИ ҚИСМАТИ

Associated Press агентлиги
тарқатган хабарда айтилишича,
таълим тизимини ислоҳ қилиш-
га қарши норозилик билдирган
43 талабанинг бедарак йўқол-
ганига бир йил тўлиши муно-
сабати билан кўплаб аҳоли
Мексика кўчаларига чиқди.

Намоийшчилар жиноятчиларни
жавобгарликка тортишни, шунинг-
дек, мамлакат президенти Энрике
Пенья Ньетоннинг истеъфого чиқи-
лиши талаб қилмоқдалар. Намо-
ийшчи бедарак йўқолган талабалар
нинг ота-оналари бошқаришмоқда.

Тергов маълумотларига қўра,
2014 йилнинг 26 сентябрида Игу-
але шаҳрида бир гуруҳ полиция-
чилар қуролланган фуқаролар би-
лан ҳамкорликда таълимни ислоҳ
қилишга қарши норозилик билан
чиққан талабаларга ҳужум қилган
эди. Ушанда 6 киши ҳалок бўлиб,
17 киши жароҳат олганди. Поли-
циячилар бир неча талабани қўлга
олиб, махсус машиналарга чиқа-
риб, гўё маҳкамага олиб кетиш-
ган. Бироқ, кейинчалик маълум
бўлишича, талабалар наркосинди-
катлардан бирининг раҳбарлари
қўлга топширилган. Натижада та-

лабалар қатл этилиб, жасадлари
ёқиб юборилган. Полициячилар
Игуале шаҳрининг собиқ ҳокими
Хосе Луис Абарки буйруғи билан
шундай қилишганини тан олишди.
Жиноят иши бўйича 100 дан зиёд
киши ҳибсга олинди.

Дароқе, мамлакат ҳукуматининг
маълумотларига қараганда, 2007-
2015 йилларда 25 миңдан зиёд
мексикаликлар бедарак йўқолган.
Мамлакат президенти норозилик
билдирётган фуқаролар билан
учрашув чоғида ушбу бедарак йўқо-
лишлар юзасидан тергов олиб
борилишини ваъда қилди.

АҲОЛИ ТЎФОНДАН ОҒОҲЛАНТИРИЛДИ

Мамлакат синоптикалари жа-
нубий ҳудудларда "Дужуан"
номли кучли тўфон хуруж
қилаётгани ҳақида аҳолини
огоҳлантирилди.

Япония метеорология бошқар-
маси Окинава префектурасидаги
Сахисима оролида яшовчиларга
табиий офат пайтида денгизга чиқ-
маслик ва иложи борича ҳавфсиз
жойларда бўлишни маслаҳат бер-
ди. Чунки тўфон оқибатида тўқун-
ларнинг баландлиги 10 метрдан
ошиши мумкин.

Метеорология ходимларининг

таъкидлашига қараганда, "Дужуан"
тўфони Япония ҳудудидан ўтгач,
Хитойнинг Тайван оролига ёпири-
лиши мумкин. Тўфон натижасида
қучли жапа кутулмоқда.

«ПОЛИЦИЯЧИ ИТ»ГА ЗИРҲЛИ НИМЧА

Американинг Миннесота шта-
тидаги 9 ёшли Итан Флинт шу
ердаги "полициячи ит"га зирх-
ли нимча ҳарид қилиш учун
1290 доллар пулини ҳада қил-
гани ҳақида хабар тарқатди
CBS News агентлиги.

"Аксарият итларнинг зирхли
нимчалари бор, айримлариники эса
йўқ, - деди Итан Флинт. - Меним-
ча, бу ўта адолатсизлиқдир". У ота-
онаси ҳар гал туғилган кунда сова-
га қиладиган пулларини тўрт йил-
дан бери йиғиб қўйганди. Шу би-
лан бирга шаҳарнинг кўзга қўри-
надиган жойларига жониворларни
ҳимоя қилиш учун маблағ садақа
қилишларини сўраб, варақалар
ёпиштириб юрарди.

Таъкидлаш жоизки, бу мактаб
ўқувчисининг биринчи садақаси
эмас. Миннесотадаги бир неча
ҳайвонот боғлари ҳам Итандан
совга-саломлар қабул қилишган.

Интернет хабарлари
асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Маъиялими:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
қўчаси, 32.

Электрон почта:

thaqiqat@mail.ru

Қабулхона:

Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар:

Шартнома ва эълонлар:

Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).

233-38-23, 233-48-08.

233-56-03, 233-65-59.

233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририят компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Набатчи муҳаррир
Алазбек ХУДОЙҚУЛОВ

Набатчи
Юлдузхон МУҲИДДИНОВА

Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ